O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2009 йил 14 ноябрь, № 222 (4885) Шанба

# ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



***Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, пировардида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қодир янги корхоналарни бунёд этиш жараёнини янада жадаллаштириб юборди.***

Жумладан, соҳага хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилиши натижасида нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон бозорида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган тамға остидаги маҳсулотлар тури ҳам, ҳажми ҳам тобора кўпайиб бораётир.

**Модернизация**

Урганч шаҳридаги "Megasfera" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси ҳам жорий йил бошида 310 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция ҳисобига иш бошлаган эди. Корхонага замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилгач, 30 турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада қисқа фурсатда 500 миллион сўмлик сифатли ва бежирим мебель жиҳозлари ички бозорга чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

***Самарқанд шаҳрида ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси якунланди.***

## ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР – ҚИШЛОҚ АҲЛИГА

Таъкидлаш жоизки, уч кун давом этган мазкур тадбир Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турар-жойлари ва ижтимоий соҳа иншоотларини барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлди. Кўргазмада қурилиш материаллари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари, қишлоқ туманлари вакиллари ҳамда меъморлар иштирок этишди.

**Жараён**

Унда "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қидирув институти мутахассислари томонидан ҳудудлар табиий иқлим шароити ва рельефи, қишлоқларимиз ривожланиши, ижтимоий-демографик жиҳатлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий уй-жойлар, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси иншоотлари лойиҳалари, вилоятдаги корхоналарнинг замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари намойиш этилди.

— Туманимизнинг Зиёвуддин қўрғонида намунавий лойиҳа бўйича 20 та уй-жой қурилаяпти, — дейди Пахтачи туманидаги "Ободон Ферузбек қурилиш" ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш корхонаси раҳбари Наврўз Худойқулов. — Айнан шундай эзгу иш бизнинг жамоамиз зиммасига юклатилганидан хурсандмиз. Айни пайтда қурилиш ишларига 250 дан зиёд ишчи, элликта техника жалб этганмиз.

— Қурилиш учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, хусусий корхоналарнинг кўргазмага қўйган турли хил материаллари, тайёр маҳсулотлари эътиборимни тортди, — дейди Самарқанд туманидаги "Самтехлойиҳақурилиш" масъулияти чекланган жамияти вакили Александр Циммерман. — Тўғриси, бундай кўргазмаларда иштирок этиш ҳар қандай ташкилот учун фақат наф келтиради. Корхонамиз эшик-ромлар, кафель ломинад, панжаралар ишлаб чиқариш ва уларни мижозларга ўрнатиб бериш билан шуғулланади. Қурилиш материаллари савдоси ҳам фаолиятимизнинг яна бир йўналишидир. Биз кўргазмада бир қанча ташкилотлар ҳамда кўплаб хусусий уй соҳиблари билан уларга хизмат кўрсатиш юзасидан шартномалар имзоладик.

Кўргазма давомида иштирокчилар "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Кўргазмада вилоятдаги қурилиш материаллари ва уй жиҳозлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, хусусий тадбиркорлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этишди, кўплаб икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланди.

Тадбир доирасида меъморлар, ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати, коммунал соҳа, банк тизими, қурилиш-пудрат ташкилотлари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида ўқув-семинарлар ҳам ташкил этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

***Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Қурилиш, қурилиш техникаси ва материаллари — ExpoConstruction Uzbekistan 2009" халқаро қурилиш ҳамда "Фармацевтика маҳсулотлари — "PharmExpo Uzbekistan 2009" халқаро ихтисослашган фармацевтика кўргазмалари ўз ишини якунлади.***

Айтиш жоизки, жорий йилги кўргазмалар аввалгиларига нисбатан иштирокчилар сонининг кўплиги, шунингдек, намойиш этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб турди. Хусусан, бу йилги кўргазмаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга Россия, Хитой, Германия, Италия, Бирлашган Араб Амирликлари, Швейцария, Бельгия, Туркия, Қозоғистон сингари йигирмага яқин давлатларнинг етакчи компания ва корхоналари ўз маҳсулотларини тақдим этганлиги ана шундан далолатдир.

**Кўргазма**

Маълумки, юртимизда истиқлол йилларида бевосита Президентимиз бошчилигида иқтисодиётнинг барча соҳалари сингари қурилиш ва фармацевтика тармоқлари ҳам жадал ривожланиб бораётир. Бунда соҳаларни янада тараққий эттиришга йўналтирилган ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, бу борада мамлакатимиз раҳбари томонидан 2007 йилнинг 1 июнида қабул қилинган "2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги ҳамда ўша йилнинг 19 ноябрида қабул қилинган "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарорларининг аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир.

(Давоми 2-бетда).

**Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

*(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 13-модда)*

## ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ: САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

*Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг, миллий қонунчилик тизимининг асосини ташкил этади. Мазкур меъёрларнинг амалда ифодасини топиши борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.*

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдираётган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш алоҳида эътиборда. Хусусан, одам савдоси ана шундай жиноятлардан бири бўлиб, мамлакатимизда бундай жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашишга, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Масалага кенг жамоатчилик эътиборини жалб

(Давоми 2-бетда).

## МУСТАБИД ТУЗУМ САРҚИТИ

### Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг ҳозирги шаклдаги фаолиятини шундай таърифлаш мумкин

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидан чиқиш ҳақидаги қарори сўнгги пайтда хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, ушбу масала юзасидан билдирилаётган кўплаб фикрлар ва шарҳлар юзаки бўлиб, барчага маълум далил ва мулоҳазаларни такрорлашдан нарига ўтмайди, афсусланарли жиҳати, улар бу борадаги ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мавжуд Бирлашган энергетика тизими фақат собиқ СССР — унитар давлатни ривожлантириш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилган эди. Бошқача айтганда, уни ташкил этишда умумий ҳудуднинг бир қисми сифатида қаралган, ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмаган собиқ иттифоқ республикаларининг манфаатлари инобатга олинмаган. Гап шундаки, собиқ иттифоқчи республикалар ҳудудидаги энергетика тизимини молиялаш, режалаштириш ва ривожлантириш ишлари СССР энергетика вазирлиги орқали ягона марказдан амалга оширилар эди. Яъни Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимининг фаолияти амалда иттифоқ энергетика вазирлиги бюджетидан молиялаш йўли билан таъминланар эди.

Собиқ иттифоқ ва унинг ягона энергетика тизими парчаланганидан сўнг бу борадаги вазият тубдан ўзгарди. Марказий Осиё давлатлари ўз муаммоларини ўзи ҳал этишга мажбур бўлди.

Шуни очиқ айтиш керакки, собиқ иттифоқ парчаланганидан кейинги даврда Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими ҳеч қандай ваколат ва ҳуқуқларсиз фаолият кўрсатар, у фақат қуруқ ваъдаларга асосланган эди. Мазкур тизимнинг айрим иштирокчилари ўз манфаати учун электр энергиясини ҳеч қандай назоратсиз ва ўз билганича ола бошлагач, бу тизим ғоят заифлашиб қолди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, экстремал шароитларда, айниқса, қиш мавсумида бу энергетика тизимида жиддий низоли ҳолатлар юзага кела бошлади.

Бундай ҳолатлар Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими фаолиятида узилишлар рўй беришига сабаб бўлди ва бу қўшни мамлакатларга жиддий салбий таъсир ўтказмай қолмади.

Қозоғистоннинг 2009 йилнинг январидан то мартигача Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлгани бунинг яққол далилидир.

Яқинда, яъни шу йил 9 ноябрь куни тонгда Нурек ГЭСида агрегатларнинг ўз-ўзидан тўхтаб қолиши оқибатида рўй берган тизимли авария туфайли Тожикистон энергетика тармоғининг жанубий қисми бутунлай узилиб қолди. Тожикистоннинг Вахш дарёсидаги барча ГЭСлари, жумладан, яқинда ишга туширилган Сангтудин ГЭСи ҳам автоматик тарзда тўхтаб қолди. Экспертларнинг фикрича, мазкур авария эрталаб электр энергиясини истеъмол қилиш ҳажми ниҳоятда ошиб, захира қувватлари мавжуд бўлишига қарамасдан, энергия ишлаб чиқариш ҳажми тизимда талаб этилган эҳтиёждан анча кам бўлгани сабабли, технологик режимларнинг қўпол бузилиши оқибатида юз берган. Бундай вазиятда ортиқча энергия истеъмолини узиб қўядиган авария автоматикаси ҳам, мазкур жараённи тезкорлик билан бошқариши лозим бўлган диспетчерлик хизматлари ҳам иш бермаган.

Афсуски, ушбу авария Ўзбекистон энергия тизимига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Натижада мамлакатимиз энергия тизимининг Сурхондарё вилоятидаги магистраль электр узатиш линияси ўчиб қолди.

Бугун юзага келган вазиятдан иккита қатъий хулоса чиқариш мантиқан тўғри бўлади.

Биринчидан, унитар давлат бўлган СССРдаги мавжуд шароитдан келиб чиқиб ташкил этилган Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими ва "Энергия" мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг фаолиятини бундан буён ҳозирги ҳолатда, зарур ваколат ва ҳуқуқларсиз таъминлаб бўлмайди. Боз устига, тизимда рўй бераётган қонунбузарликлар ва тармоқдан электр энергиясини ноқонуний олиш ҳолатлари миллий энергетика тизимларининг барқарор ҳамда ишончли ишлашига жиддий хавф солади.

Иккинчидан, истиқболда миллий энергетика тизимлари фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ барча масалаларни халқаро тажрибага таянган ҳолда Марказий Осиё давлатларининг икки томонлама ҳамда кўп томонлама келишуви асосида ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

**О. РАЖАБОВ,**
**шарҳловчи.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***НАМАНГАН. Чортоқ туманида фаолият кўрсатаётган "Chartak Dachan textile" қўшма корхонасида 1,5 миллион АҚШ долларилик замонавий технологиялар ўрнатилиб, халқаро талабларга жавоб берадиган калава ип ишлаб чиқарилмоқда.***

### Дастлабки маҳсулотлар — экспортга

Қисқа муддатда жамиятнинг 70 кишилик меҳнат жамоаси 50 миллион сўмлик маҳсулотни экспорт қилди. Йил охиригача корхона бу кўрсаткични 300 миллион сўмга етказишни режалаштирмоқда.

Айни пайтда корхонада калава ипни тайёр газламага айлантириш борасида иш олиб борилаяпти.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ТОШКЕНТ. "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси Германиянинг "EvoBus GmbH"компаниясидан "Mercedes-Benz Conecto" автобусларини қабул қилиб олди.***

### Йўловчилар учун қулайлик

Ўзаро тузилган ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ, жорий йилда пойтахтимизга 200 та ана шундай автобус келтирилиши кўзда тутилган эди. Айни пайтда мазкур автобуслар тўлиқ келтирилди. "Mercedes-Benz Conecto" автобуслари аҳоли учун ғоят қулай бўлиб, у "Mercedes-Benz" автобусларининг сўнгги авлоди ҳисобланади. Янги автобусларнинг қатновларга қўйилиши шаҳарликлар ва пойтахт меҳмонлари учун кўрсатиладиган транспорт хизмати сифатини янада оширади.

**О. ҲАБИБУЛЛАЕВ.**

***АНДИЖОН вилояти "Матлуботсавдо" акциядорлик компанияси тасарруфидаги 12 та нон тайёрлаш корхонасига хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.***

### Компаниянинг ширмой нонлари

Умумий қиймати 10 миллион сўмдан 40 миллион сўмгача бўлган янги технологиялар ёрдамида ун элаш, хамир қориш ва нон пишириш каби юмушлар автоматик тарзда амалга оширилмоқда. Натижада бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланди.

Янги қувватларнинг ишга туширилиши туфайли бир кеча-кундузда беш тоннагача иссиқ нон тайёрлаш имконияти вужудга келди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ЖИЗЗАХ шаҳридаги инклюзив таълим-тарбия жорий этилган 31-"Наргиз" мактабгача таълим муассасасига Япония элчихонаси томонидан мазкур мамлакат ҳукуматининг гранти топширилди.***

### Болалар муассасасига жамғарма кўмаги

Натижада грант ҳисобидан ётоқхона жиҳозлари, махсус қўлланмалар, ривожланишда нуқсони бор болалар учун мосламалар келтирилди. Айтиш лозимки, ўтган йили ҳам бу муассаса Республика ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмаги билан Япониянинг 45 минг АҚШ долларилик грантини қўлга киритганди.

Келгуси йилдан бошлаб ушбу муассасага Жиззах шаҳридаги барча имконияти чекланган болалар қабул қилинади.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***13 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни комиссия Раиси М. Абдусаломов бошқарди.***

Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар ва сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидаги сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Марказий сайлов комиссияси, сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқни таъминлаш мақсадида, сиёсий партиялар билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этувчи депутатликка номзодлар ҳамда сиёсий партияларнинг электрон ва босма оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилади.

Марказий сайлов комиссияси сайловчиларни сайлов куни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар билан кенг таништириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит яратиш мақсадида ташвиқот плакатларининг намуналарини тасдиқлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайловида иштирок этаётган сиёсий партиялар вакилларига, депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо тартибида амалга оширилсин:

I. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси;

II. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси;

III. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;

IV. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

2. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг каналларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллари чиқишларининг эфирга узатиш ҳафталик жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш ҳафталик жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини ҳудудий оммавий ахборот воситаларида ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар таъминлаш округ сайлов комиссиялари зиммасига юклатилади.

5. Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 17 сентябрдаги 417-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А. Ходжаев), "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталари таҳририятлари (Ў. Раҳматов, А. Усмонов), шунингдек, ҳудудий даврий босма нашрларининг таҳририятлари сиёсий партиялар вакиллари ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти доирасида чиқишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ҳ. Муҳитдинов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мониторингини юритсин.

Белгилаб қўйилсинки, мониторинг маълумотлари ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари Қ. Тоғаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссиясининг Раиси**
**М. АБДУСАЛОМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 13 ноябрь

**1-илова**

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг каналларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакиллари чиқишларининг эфирга узатиш**

## ҲАФТАЛИК ЖАДВАЛИ

| № т/р | Ҳафта кунлари | Сиёсий партиялар | Эфирга чиқиш вақти | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Телеканаллар | | Радиоканаллар | |
| | | | «Ўзбекистон» | «Ёшлар» | «Ўзбекистон» | «Ёшлар» |
| 1. | Душанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 09.00-09.15<br>18.30-18.45<br>22.35-22.40<br>5 дақиқа-роликлар | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 07.40-07.55<br>18.50-18.55<br>20.45-21.00<br>5 дақиқа-роликлар |
| 2. | Сешанба | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 09.00-09.15<br>18.30-18.45<br>22.35-22.40<br>5 дақиқа-роликлар | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 07.40-07.55<br>18.50-18.55<br>20.45-21.00<br>5 дақиқа-роликлар |
| 3. | Пайшанба | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 09.00-09.15<br>18.30-18.45<br>22.35-22.40<br>5 дақиқа-роликлар | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 07.40-07.55<br>18.50-18.55<br>20.45-21.00<br>5 дақиқа-роликлар |
| 4. | Жума | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 09.00-09.15<br>18.30-18.45<br>22.35-22.40<br>5 дақиқа-роликлар | 07.05-07.20<br>20.05-20.10<br>21.35-21.50<br>5 дақиқа-роликлар | 07.40-07.55<br>18.50-18.55<br>20.45-21.00<br>5 дақиқа-роликлар |

**Изоҳ:** Ҳар бир сиёсий партияга бир хил эфир вақти, яъни ҳар бир телерадиоканалда ҳафтасига (теле- ва радиоэфирда 40 дақиқадан), шу жумладан, 2 марта 15 дақиқадан теле- ва радиодастурга, 5 дақиқа сиёсий партиялар етакчиларига ажратилади. Барча сиёсий партияларнинг теле- ва радиороликлари эфирга ягона 5 дақиқали блокда узатилади (ҳар бир партия учун 75 сониядан).

*Теле- ёки радиоканалларнинг бирида профилактика бўлган тақдирда, тегишли дастурларнинг эфирга узатиш вақти ўша куннинг бошқа вақтига ўтказилади.*

**2-илова**

**«Халқ сўзи» газетасида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш**

## ҲАФТАЛИК ЖАДВАЛИ

| № | Ҳафта кунлари | Сиёсий партиялар | Биринчи саҳифа | Иккичи саҳифа |
|---|---|---|---|---|
| | | | Анонс учун | Материал учун |
| 1 | Сешанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (№1)<br>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 2 | Чоршанба | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№3)<br>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 3 | Пайшанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (№1)<br>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 4 | Жума | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№3)<br>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |

**«Народное слово» газетасида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш**

## ҲАФТАЛИК ЖАДВАЛИ

| № | Ҳафта кунлари | Сиёсий партиялар | Биринчи саҳифа | Иккичи саҳифа |
|---|---|---|---|---|
| | | | Анонс учун | Материал учун |
| 1 | Сешанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (№1)<br>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 2 | Чоршанба | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№3)<br>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 3 | Пайшанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (№1)<br>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 4 | Жума | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№3)<br>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |

**«Правда Востока» газетасида босма майдони ажратиш ва депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар вакилларининг чиқишларини чоп этиш**

## ҲАФТАЛИК ЖАДВАЛИ

| № | Ҳафта кунлари | Сиёсий партиялар | Биринчи саҳифа | Иккичи саҳифа |
|---|---|---|---|---|
| | | | Анонс учун | Материал учун |
| 1 | Сешанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (№1)<br>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 2 | Чоршанба | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№3)<br>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 3 | Пайшанба | Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси (№1)<br>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |
| 4 | Жума | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (№3)<br>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№4) | Юқори қисми ўнг томонида | Ёнма-ён ҳар бирига $^{1}/_{2}$ саҳифадан |

**Изоҳ:** Газетанинг ҳар бир сонида сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар сешанба ва чоршанба кунлари расмий хабарлар кўпайса, сайловолди ташвиқоти материаллари чоп этилишининг жадвалда белгиланган муддати кейинги кунга кўчирилиши мумкин.

### ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ:

# САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилиш, бундай тубан жиноятлардан ёшларимизни огоҳ этиш мақсадида турли таъсирчан воситалардан унумли фойдаланилмоқда.

Бу борада тегишли қонунчилик асослари яратилган. 2008 йилда мамлакатимизда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу турдаги жиноятларга қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қарор асосида 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди. Шунингдек, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган одам савдосига қарши курашишнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий семинарда шу ҳақда гап борди. Бош прокуратуранинг Олий ўқув курси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти ва "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, олимлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Бош прокуратура Олий ўқув курси бошлиғи Толибжон Умаров бошқарган семинарда мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Бош қомусимизнинг 26-моддасига мувофиқ, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсоннинг бу каби конституциявий ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос бўлиб, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 4-моддасига кўра, ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

Бу ҳуқуқий кафолатларни ҳаётга тўла татбиқ этиш борасида мамлакатимизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, одам савдосининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кескин кучайтирилди. Бу жиноят оқибатида жабр чекаётган инсонларни аниқлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилган. Улар одам савдосининг оқибатларини тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб бориш, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш орқали кенг оммага етказмоқда. Натижада бугунги кунда кўпчилик бу жиноятнинг моҳиятини англаб етаётир.

Аммо шунга қарамай, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳамон учраб турибди. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида прокуратура идораларига шундай мазмундаги мингдан зиёд шикоят тушгани буни тасдиқлайди. Мурожаатлар бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли айбдорлар аниқланиб, зарур чоралар кўрилмоқда.

Семинарда мутахассислар ва жамоат ташкилотлари вакиллари одам савдосига қарши курашиш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда вилоятда корхонанинг 6 та савдо маркази ишлаб турибди. Йил охирига қадар бундай марказлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилиши кўзда тутилган. Ушбу хайрли иш тўлиқ амалга оширилгач, бозорда рақобатбардош мебель маҳсулотлари кўпайиши билан бирга, уларнинг нархи ҳам сезиларли даражада арзонлашиши кутилмоқда.

— Маҳсулотларимизга қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушаяпти, — дейди корхона раҳбари Муроджон Ваисов. — Шу боис фаолиятимизни кенгайтириб, йил охиригача яна 100 миллион сўмлик мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни режалаштирдик.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда республикамизда юздан зиёд дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритаётган бўлса, уларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг ўттиздан ортиғи мамлакатимиз олимлари томонидан яратилган. Ушбу дори воситаларига ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораётгани, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича катта тажриба тўпланиб, амалда ўз аксини топаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Ташкил этилган кўргазмалар эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштириб, хорижлик ҳамкорлар билан ўрнатилган алоқаларни мустаҳкамламоқда. Тадбирлар давомида соҳаларда эришилган ютуқ ва натижалар сарҳисоб этилиши баробарида, кўплаб шартномалар имзолангани бунинг исботидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

### Женгисбек – халқаро танлов ғолиби

***Яқинда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида вокал санъатининг романс жанрига бағишланган "Романсиада XII" халқаро танлови бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимиздан ҳам ушбу жанрда ижод қилаётган бир гуруҳ санъаткорлар иштирок этишди.

Кўрикда Ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда Россия ва Хитойдан ташриф буюрган 65 нафар қатнашчи ўз санъатини намойиш этди. Танлов якунига кўра, ҳамюртимиз, "Ниҳол" мукофоти совриндори Женгисбек Пиязов ўзининг ноёб ижрочилик маҳорати туфайли биринчи ўринга лойиқ, деб топилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### «Падаркуш»нинг замонавий талқини

***Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театри ижодий жамоаси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" драмаси асосида янги пьеса саҳналаштирди.***

Истеъдодли режиссёр Жўрабек Рўзметов ижодига мансуб ушбу асарда ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш бугунги кунда энг муҳим вазифа эканлиги, бу ўринда оиладаги тарбия катта аҳамият касб этиши атрофлича очиб берилган.

— Асар, гарчанд, ўтган аср руҳини акс эттирсада, бугунги кун учун ҳам аҳамиятлидир, — дейди режиссёр. — Муҳими, ундаги воқеалар замонга мос ҳолда саҳналаштирилгани боис, томошабинда қизиқиш уйғотмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда эл саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш масаласи ҳар жиҳатдан муҳим вазифа саналади. Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган эзгу чора-тадбирлар амалга оширилаётгани боис жойларда аҳолига юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатишга, турли асоратли хасталиклар келиб чиқишининг олдини олишга эришилмоқда. Замонавий шифо масканлари бунёд этилиб, шаҳар ва туманларда ихтисослаштирилган тиббий масканлар фаолияти йўлга қўйилганлиги туфайли касалликни эрта аниқлаш ва уни кечиктирмай даволашга муваффақ бўлинаяпти.***

# СОҒЛОМ ТУРМУШИМИЗ КАФОЛАТИ

**14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни**

Республика ихтисослашган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш ва шу орқали инсон саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган хасталикларнинг олдини олиш борасида амалий саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Бунинг учун марказ замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланган.

Шифо муассасамизда, айниқса, ёш ходимлар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилади. Марказда фаолият юритаётган мутахассисларнинг аксарияти Англия, Япония, Франция, АҚШ, Россия, Германия, Испания, Италия каби тиббиёти тараққий этган давлатларга бориб тажриба алмашадилар. Малака ошириш курсларида ва нуфузли халқаро анжуманларда иштирок этадилар. Бундан ташқари, марказнинг ўзи ҳам қўшни давлатлар ва мамлакатимиз вилоятларидаги Эндокринология марказларининг мутахассислари учун илмий-амалий ҳамда услубий кўмак берувчи маскан ҳисобланади.

Айни пайтда марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги филиаллари зарур техник жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Марказимизда эндокрин хирургия, диабетология, болалар эндокрин касалликлари, оёқ тўпиғи диабети, нейроэндокрин хасталикларни даволаш сингари бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Шифохона 246 ўринга мўлжалланган бўлиб, беморларнинг соғлиғини тиклашда 118 нафар шифокор ходимнинг билим ва малакасидан фойдаланилаётир. Улардан беморларнинг жисмоний соғлиғини тиклаш баробарида маънавий-руҳий мадад кўрсатиш ҳам талаб этилади. Айниқса, қандли диабет хасталиги билан оғриган беморларни тушкунликка берилмай, ўз соғлиғи ҳақида жиддий қайғуриш ва шу орқали узоқ умр кўришга ундаш лозим. Тўғри, бугун дунё бўйича ушбу хасталикдан буткул фориғ қилувчи даво топилганича йўқ. Бироқ бу қандли диабетга чалинган киши учун ҳаёт тугади, дегани эмас. Агар бемор одатий турмуш тарзини бир оз ўзгартирса, хусусан, тўғри овқатланиш, вақтида даволаниш, қондаги қанд миқдорини доимий назорат қилиш, тушкун кайфиятга берилмаслик каби ҳаётий зарур жиҳатларга амал қилса, яна эллик-олтмиш йилгача умр кўриши мумкин.

Таассуфки, бугунги кунда айрим беморлар қандли диабетнинг оғир асоратларига қарши курашишда асқотадиган даво чораларидан "дорига қарам бўлиб қоламан", деган асоссиз важ билан воз кечадилар. Оқибатда буйрак етишмовчилиги, қорасон, кўриш қобилиятини йўқотиш каби дардларга чалиниш ёки энг оғир асорат — кома ҳолатига тушиб қолиш мумкин. Масалан, I турдаги қандли диабетга чалинган беморлар организми инсулин моддасига ҳамиша эҳтиёж сезади. Бунда мазкур моддани ишлаб чиқарувчи ошқозон ости бези ҳужайраларининг бирор бир юқумли касаллик ёхуд бошқа сабабларга кўра шикастланиши оқибатида қон таркибида ушбу модда умуман бўлмайди ёки кескин камайиб кетади. Бундай ҳолатда инсулин инъекцияси бемор ҳаёти учун ўта зарурдир.

Бундан ташқари, нотўғри овқатланиш ҳам касаллик кучайишига сабаб бўлади. Маълумки, биз истеъмол қиладиган таомлар таркибида, асосан, уч турдаги маҳсулот — оқсил, ёғ ва углеводлар мавжуд. Углевод ва ёғ қувват манбаи саналса, оқсил организм учун қурилиш хом ашёси ҳисобланади. Шуни унутмаслик лозимки, фақат углеводларгина овқатланилгандан сўнг қон таркибидаги шакар моддаси миқдорининг ошишига сабаб бўлади. Таомдаги бошқа барча моддалар қонда глюкоза миқдори ортишига таъсир кўрсатмайди. Шу боис, таркибида углевод кўп бўлган, яъни нон ва нон маҳсулотлари, шунингдек, гуруч, сули, гречка қўшилган донли таомлар, мевалар, сут ва айрим сут маҳсулотлари, сабзавотларнинг баъзилари, масалан, картошка, маккажўхори сингари егуликлар қатъий меъёрга амал қилган ҳолда истеъмол қилинадиган таомлардир. Бемор бундан яхши хабардор бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг амалий кўмаги билан қандли диабетга чалинган беморларга мунтазам равишда бепул дори-дармонлар тарқатилмоқда. Ушбу савоб ишга ҳомий ташкилотлар кўнгилли равишда бош қўшаётганликлари боис кўплаб беморларга қимматбаҳо дори воситалари, қондаги қанд миқдорини тез аниқловчи тестлар ва ихчам ташхис аппаратлари совға қилинди. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар, табиийки, хасталик туфайли келиб чиқувчи оғир асоратларга йўл қўймаслик, ўз вақтида, самарали даво чораларини қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Айни вақтда шуни унутмаслик лозимки, хаста бўлмасдан туриб, бебаҳо бойлигимиз — саломатликни имкон қадар асрай олсак, бу билан оила аъзоларимизнинг осуда ҳаёт кечиришини таъминлашга эришган бўламиз.

**Саид ИСМОИЛОВ,**
**Республика ихтисослашган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.**

***Эшмаматга ҳам қобилият отасидан ўтган. Айтишларича, унинг падари бузруквори ҳам ёлғиз қолган пайтларида расм чизишни яхши кўрарди. Фарзандлар отасининг чизган суратларидан воқиф бўлишгач, мана бу расмни қандай чиздингиз, нима учун дарахтнинг ранги қизил ёки сариқ, деган саволларга кўмиб ташлашарди. Ота бу саволларга имкон қадар соддароқ жавоб беришга ҳаракат қилар экан, болалар унинг мулоҳазаларини берилиб тинглашарди. Шунинг учун бўлса керак, ота тўнғич ўғлининг мусаввирликка иштиёқи баландлигини сезгач, уни қўллаб-қувватлар, мўйқаламга ошнолик ҳар кимга ҳам насиб этмаслигини уқтирар эди.***



# ТАСВИРЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

**Истеъдод**

Эшмамат Ҳайитов Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига қарашли Қизилчорва қишлоғида туғилган.

Бу маълумотлар бир қараганда, оддий таржимаи ҳолдек туюлади. Аммо ана шу камтарона қайдлар кейинчалик фахрланса арзигулик ютуқларни қамраб олганлиги билан аҳамиятлидир. Эшмамат ҳали мактабга бормаёқ, қоғоз-қаламга меҳр боғлади. Орадан фурсат ўтгач, у мактабга қадам қўйди. Илк сабоқ ва ҳаёт ҳақидаги дастлабки тушунча Э. Ҳайитов вужудидаги иқтидорга қанот бағишлади. Вақт ўтгани сайин унинг истеъдоди ҳам тобланиб борди.

Мактабни битиргач, ҳеч иккиланмасдан республика рассомлик коллежида, сўнгра Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида таҳсилни давом эттирди. 1998 йилда эса грант асосида ўқиш учун Италияга жўнаб кетди. 1998-2002 йилларда Италиянинг Алдо Галли номидаги нафис санъат Бадиий академиясида аъло баҳоларда ўқиган Э. Ҳайитов мазкур даргоҳни имтиёзли диплом билан битирди. Айни пайтда Ўзбекистон Бадиий академияси аъзосидир.

Оддий қишлоқ йигитининг бундай нуфузли даргоҳларда таҳсил олишини илгари — Истиқлол ушалмас, қўл етмас орзу бўлган дамларда ўйлаш ҳам мумкин эмас эди. Шукрки, юртимиз озодликка эришгач, Президентимиз ғамхўрликлари туфайли минг-минглаб йигит-қизлар ўз иқтидорларини рўёбга чиқариш бахтига мушарраф бўлдилар.

— Инсон орзу-ҳавас билан яшайди, — дейди биз билан суҳбатда Эшмамат Ҳайитов. — Бироқ шунчаки ҳавас билан мақсадга етиб бўлмайди. Фахрланиб айта оламизки, мамлакатимизда ҳар бир истеъдод эгаси, айниқса, қобилиятли ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Давлатимиз раҳбарининг беқиёс ғамхўрликлари туфайли қанчадан-қанча ёшлар кашф этилмади, дейсиз?! Йўқса, мендек қишлоқ боласининг орзу-ҳаваси қаёкдаю, юрт раҳбарининг эътибори билан Италияда сабоқ олиш қаёкда?! Булар тушимга ҳам кирмаган эди.

Мусаввирнинг ижодини кузатиб, унинг аксарият асарларида тулпорларга урғу берилганлигига санъатшунослар алоҳида эътибор қаратишади. Масалан, "Кўпкари", "Соядаги ҳордиқ", "Ой ёғдуси", "Суҳбат" каби портретларда бу жониворларнинг тасвирланиши кишида хуш таассурот қолдиради. Беихтиёр ўзингизни от ёнида ёки тулпорлар дупури эшитилиб турган кўпкари майдонида тургандек ҳис қиласиз.

— Кабутар тинчлик рамзи бўлса, от садоқат тимсолидир, — дейди мусаввир. — Айтишларича, от ҳеч қачон ўз соҳибини ранжитмас экан. Ўзим қишлоқда туғилиб-ўсганим учун яхши биламан, тулпори бор хонадонда уруш-жанжал бўлмайди, аксинча бундай ҳовлида яхши кунлар, тўй-тантаналар кўп бўлади. Тулпори бор хонадон эгаси тўй қилса, ён-атрофдаги қишлоқлардан манаман, деган чавандозлар келиб, улоқ чопишади. Ҳалоллик, мардлик ва жасурликка ўргатадиган бундай базмлар болалигимданоқ менга таниш. Шу боис расм чизаётганимда кўз олдимда ана шу жониворлар гавдаланади.

Эшмамат Ҳайитовнинг ҳаёт ҳақиқатини акс эттирувчи бундай манзаралари Италиядаги сабоқ даврида ҳам ўз мухлисларини топди. Айниқса, таҳсил жараёнида ташкил этилган кўплаб кўрик-танлов ва кўргазмаларда унинг асарлари юқори баҳоланган. 2002 йилда Италиянинг "Centro Socale 1990 COMO" ижодкорлар уюшмасининг Гран-присини қўлга киритди.

— Астойдил қилинган ният, албатта, ижобат бўлар экан, — дейди Эшмамат Ҳайитов. — Бунинг учун аниқ мақсад ва интилиш бўлса бас, уларнинг рўёби учун юртимизда барча шарт-шароит мавжуд. Она-Ватаним ва хорижда ўқиб, юрт кезиб англадимки, бизнинг мамлакатга айрича ҳавас билан қарашлари бежиз эмас экан. Зеро, ҳамюртларимиз бошқача: бир-бирига оқибатли, садоқатли. Энди айтинг, шундай беназир юртни, унинг бағрикенг одамларини тараннум этмаслик мумкинми?!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Спорт • Sport • Спорт

***Россиянинг Красноярск шаҳрида уч карра Олимпиада чемпиони Бувайса Сайтиев соврини учун эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.***

### Ҳамюртларимиз муваффақияти

Жаҳоннинг кўплаб давлатларидан келган ёш полвонлар баҳсида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, бухоролик Субҳон Тошпўлатов 83 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқиб, халқаро турнир ғолиби бўлди. Яна бир бухоролик курашчи Муҳаммадсиддиқ Жўраев 58 килограмм вазнли полвонлар беллашувида кумуш медални қўлга киритди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Олтин медаль – мезбонларда

***Наманган шаҳридаги "Навбаҳор" марказий стадионида мамлакатимиздаги махсус футбол мактаб-интернатлари ўртасида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.***

Республика Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада йигирмата жамоа ғолиблик учун курашди. Якунда Наманган вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 15-футбол мактаб-интернати тарбияланувчилари олтин медални қўлга киритдилар. Қашқадарё вилояти вакиллари иккинчи, хоразмликлар эса учинчи ўринга сазовор бўлишди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўсмирлар мусобақаси

***Самарқанд шаҳридаги Олимпия захиралари тайёрлаш маркази стадионида 1996-97 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганининг 7 йиллигига бағишланган республика турнири бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари вакиллари иштирок этишди. Мусобақа финалида Бекободнинг "Металлург" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Самарқанд футбол мактаб-интернати вакиллари турнир ғолиби бўлишди. Муборакнинг "Машъал" футбол академиясига эса учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

**А.САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

## ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. **Ревматология ва нефрология кафедраси:** кафедра мудири, доцент, ассистент.
2. **Ички касалликлар ва телемедицина кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
3. **Ички касалликлар ва фармакотерапия кафедраси:** 2 та доцент, 2 та ассистент.
4. **Пульмонология ва клиник аллергология кафедраси:** профессор, доцент.
5. **Неврология кафедраси:** кафедра мудири, профессор.
6. **Кардиология ва геронтология кафедраси:** 3 та ассистент.
7. **Гематология ва трансфузиология кафедраси:** профессор, ассистент.
8. **Психиатрия ва психотерапия кафедраси:** профессор, доцент, 2 та ассистент.
9. **Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси:** доцент, 3 та ассистент.
10. **Эндокринология кафедраси:** кафедра мудири.
11. **Фтизиатрия кафедраси:** ассистент.
12. **Функционал диагностика кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
13. **Тери-таносил касалликлари кафедраси:** кафедра мудири, доцент.
14. **Педиатрия кафедраси:** кафедра мудири, 2 та ассистент.
15. **Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
16. **Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси:** 2 та доцент, 2 та ассистент.
17. **Неонатология кафедраси:** доцент.
18. **Болалар асаб касалликлари кафедраси:** кафедра мудири, 2 та доцент, ассистент.
19. **Болалар юқумли касалликлари кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
20. **2-акушерлик ва гинекология кафедраси:** кафедра мудири, 2 та доцент, ассистент.
21. **Болалар анестезиология ва реаниматология кафедраси:** кафедра мудири, профессор.
22. **Наркология ва ўсмирлар психопатологияси кафедраси:** кафедра мудири.
23. **Валеология кафедраси:** кафедра мудири, 2 та доцент.
24. **Клиник лаборатор диагностика кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи.
25. **Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси:** катта ўқитувчи.
26. **Соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш кафедраси:** кафедра мудири, доцент.
27. **Умумий амалиёт врачлари кафедраси:** ассистент.
28. **Микробиология кафедраси:** 2 та доцент, ассистент.
29. **Эпидемиология кафедраси:** доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
30. **Врачлик меҳнат экспертиза кафедраси:** кафедра мудири, доцент, ассистент.
31. **Патанатомия ва суд-тиббий экспертиза кафедраси:** доцент.
32. **Инновацион технологиялар ва молия менежменти кафедраси:** катта ўқитувчи.
33. **Нейрореабилитация ва шарқ тиббиёти кафедраси:** кафедра мудири, доцент.
34. **Гигиена кафедраси:** катта ўқитувчи.
35. **Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси:** кафедра мудири, 2 та профессор, доцент.
36. **Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси:** кафедра мудири, доцент, 2 та ассистент.
37. **Анестезиология ва реаниматология кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
38. **Офтальмология кафедраси:** кафедра мудири, доцент.
39. **Оториноларингология кафедраси:** 2 та ассистент.
40. **Онкология кафедраси:** 2 та профессор.
41. **Урология ва нефрология кафедраси:** кафедра мудири, 2 та ассистент.
42. **Травматология ва ортопедия кафедраси:** кафедра мудири, доцент, 2 та ассистент.
43. **1-стоматология кафедраси:** кафедра мудири, профессор, доцент, ассистент.
44. **Ортодонтия ва болалар стоматологияси кафедраси:** кафедра мудири, 2 та доцент, ассистент.
45. **2-стоматология кафедраси:** 2 та ассистент.
46. **Хирургик стоматология кафедраси:** кафедра мудири, ассистент.
47. **Тиббий радиология кафедраси:** ассистент.
48. **Ультратовуш диагностика кафедраси:** кафедра мудири.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: 267-60-74.**

12028/1627




## ОБ-ҲАВО

**(14 ноябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража илиқ, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 0-2 даража илиқ, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 01.00

1 2 4 5